

Мадинада қуёш энергиясида ишлайдиган автобуслар ишга тушади




16:17 / 25 февраль 639

Мадинада қуёш энергиясида ишлайдиган shuttle автобус тармоғи ишга туширилади. Бу лойиҳа зиёратчилар учун қулайлик яратиш, тирбандликни камайтириш ва ҳаракатни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилди.

«Мадина автобус лойиҳаси» шаҳардаги саёҳатчилар ва аҳоли учун зиёратни соддалаштириш мақсадида кенгайтирилган автобус хизматини тақдим этади.

Ушбу лойиҳанинг фаолияти шу йилнинг 1 март кунидан бошлаб, кўплаб йўналишларда кунига 18 соат ишлайди, иккита асосий йўналишда эса доимий равишда хизмат кўрсатади.

MADINAH BUS MAP



«Мадина автобус лойиҳаси»нинг йўналиш харитаси юқоридаги расмда кўрсатилган.

Шаҳар масъуллари иккинчи энг муқаддас масжид жойлашган масканда ташриф буюрувчи зиёратчилар сонининг ошишини кутаётир. Маҳаллий ҳокимиятлар ушбу хизмат лойиҳаси тирбандликни камайтиришга ва Рамазон ойида умумий транспорт ҳаракатини яхшилашга ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Қуёш энергиясида ишлайдиган бу тармоқ Мадина Ривожланиш Идорасининг экологик лойиҳа доирасида амалга оширилди. Ўтган йилда икки миллиондан ортиқ йўловчилар ушбу хизматдан фойдаланиб кўришган.